



1. Сабзи иккى йиллик сабзабот бўлиб, биринчи йили серсув ва этили илдизмева ва узун бандли барглар хосил қиласи. Иккинчи йили илдизмевадан кучли ўсузвичи уруғпоя чиқади ва соябонсимон гуллаб уруғ хосил қиласи. Сабзини

етиштириш бирмунча осон, аммо бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандалар таъсирида хосилдорлик кескин камайиб кетиши мумкин. Сабзи асосан лента усулида экиласи, аммо уни қаторлаб хам экиш мумкин. Қаторлаб экилганда бегона ўтлар ўсишини камайтириш мақсадида қаторлар жуда яқин (10-15 см) қилинади.

2. Сабзи витамин ва минерал моддаларга бойлиги билан сабзаботлар ичига алоҳида ўрин тутади. Халқ табобатида унинг янги сикб олинган шарбати авитаминоз, камқонлик ва бошқа касалликларда парҳез ва қувватбахш ичимлик сифатида тавсия этилади.




3. ЎСИМЛИК ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ	
Уруғ сепилгандан майсалар униб чиққунча бўлган вақт	10-12 кун
1 гр. даги уруғлар сони	700 та
1 м узунликдаги қаторнинг ўртача хосили	1,5 кг
Уруғ унувчанилигининг сақланиш даври	4 йил
Уруғ сепилгандан хосилни йигиб олишгача бўлган вақт	12 ҳафта (эртапишар навлар) 16 ҳафта (бошқа навлар)
Ўсимликнинг ўзига хос хусусиятлари	Етишириш осон, тупрокни яхши тайёрлаш, пухта ўтокни талаб этиади.

4. Уруғлик сабзи тупроқка талабчан ўсимлик. Узун ва тўғри илдизмеваларни факатгина чукур ишлов берилган унумдор енгил тупрокларда ўстириш мумкин. Оғир ва тошлок тупрокларда калта мевали навларни етишириш тавсия этилади. Сабзи тупроқда гўнг бўлишини хоҳламайди, хаттоқи, у ўтмишдош экинга солинган бўлса хам.

5. Кузда күёшли жойдан қаторлар олиб кўйилади. Ерга гўнг ва боф компости солишга рухсат этилмайди. Уруғ сепишдан 1-2 ҳафта олдин тупроқка комплекс минерал ўғитлар солиб чиқилади.

6. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, сабзи лента усулида сепилади, аммо кейинги йилларда қўш қаторлаб сеялкаларда экиш кенг тарқалмоқда. Қўш қаторлаб кўлда хам сепиш мумкин. Бунда қаторлар оралиғи 50 см, қўш қаторлар оралиғи 15 см.



КАЛЕНДАРЬ												
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
Уруғни сепиш		---										
Хосилни йигиб олиш						---	---		---	---		

7. Майсалар униб чиққач, ўсимликлар оралиғида 5-7 см масофа қолдирилиб ягоналаб чиқилади. Бу иш эҳтиётлик билан амалга оширилади, иложи бўлса куннинг салқин қисмиди ягоналаш мақсадга мувофиқдир. Ер қуруқ бўлса, енгил сугориб олиниади. Қолдирилган ўсимликлар атрофи зичланади, сугуриб олингандари ўйқотилади.

8. Заруратга кўра 1-2 марта кўлда ёки чопқич ёрдамида ўтоқ қилиб чиқилади. Кўп йиллик ўтлар кўлда сугуриб олиниади.

9. Тупроқни нам холатда саклаган холда ўртача микдорда мунтазам сугориб турилади. Қуруқ тупроқни мўл сугориш илдизмеваларнинг ёрилиб кетишига олиб келиши мумкин

10. Қишиқи саклаш учун илдизмевалар октябр-ноябр ойларида қазиб олиниади. Қазиб олинган илдизмевалар лойидан тозаланади. Шикастланган мевалар саклашга олинмайди, балки ўша заҳоти истеъмолга чиқарилади. Барг банди асосидан 1,5 см қолдирилган холда кирқиб ташланади. Илдизмевалар махсус сабзабот ўраларига ва ўюмларга ёки сийрак килиб кум билан яшикларга терилади. Вакти-вакти билан назорат килиб турилади, чириған мевалар чириш тарқалиб кетмаслиги учун ўйқотиб турилади. Хосилни март ойигача саклаш мумкин.

11. Оналик илдизмеваларни йигиб олишга марказий минтақада сентябр охири – октябр бошларида киришилади. Жанубди бундан бир ой кеч йигилади. Йигим-терим баркарор аёзлар бошлангунга қадар тутагилади. Харорати -2...-3

даражадан паст бўлган аёзларда қолиб кетган оналиклар саклашда нобуд бўлади. Илдизмевалар эҳтиёткорлик билан қазиб олиниади ва эгатга тўпланади. Уруғлик учун навга хос шаклга эга, вазни 80-120 г оралиғидаги соғлом илдизмевалар олиниади. Йигиб олишда уларнинг сўлиб қолишига рухсат этилмайди. Уларнинг барглари 1-1,5 см узунлиқда банди қолдирилган холда кесиб ташланади:



Сабзининг оналик илдизмевалари: а) барглари тўғри кесилган; б) барглари нотўғри кесилган

12. Келгуси йилгача оналиклар ертўлаларда яшик ёки штабелларга тахланган холда сакланади. Ҳар бир қаторига кум сепилади. Штабел баландлиги 0,7 м атрофида, асосининг эни 1,0 ва юқориси – 0,8 м, узунлиги ихтиёрий. Даствлаб полга кум сепилади ва унинг устига тўғри қаторлаб сабзи илдизмевалари жойлаштирилади. Четки қаторлардаги илдизмеваларнинг боши ташқарига қаратилади. Илдизмеваларни 30-35 кг сифимли полиэтилен копларда хам саклаш мумкин. Копларнинг оғзи очиб кўйилади, шунда унинг ичига карбонат ангидрид газининг керакли концентрацияси ва ҳавонинг қулий нисбий намлиги юзага келади.

13. Саклаш даврида ертўла ҳавосининг ҳарорати 0-2 даражада ва нисбий намлиги 85-90% атрофида ушлаб турилади.

14. Ертўлалар мавжуд бўлмаганда оналиклар хандакларда сакланади. Бунда ҳар бир илдизмева қатламига 2 см қалинлиқда нам кум ёки юмшоқ тупроқ сепилади.

15. Баҳорда экиш учун соғлом ва этининг ранги ёрқин тўқ сарик рангдаги илдизмевалар танланади. Марказий минтақа, шунингдек шимолий районларда уларнинг етилишини тезлаштириш учун илдизмевалар ундириб олиниади. Бунинг учун ўтқазишидан 2-3 ҳафта олдин улар совук парникларга ёки иситилган эгатларга кўприк усулида (бир-бирига тифиз) кўмилади. Парниклар совук кунларда ром билан, эгатлар эса мулчалаб беркитилади. Камроқ партиядаги оналиклар яшикларга ўстирилади.

16. Сабзи илдизмеваларни штабелларда ҳар бир қаторни тупроқ билан қатламлаб хам ўстириш мумкин. Штабелда илдизмеваларнинг боши юқорига қараб тахланади. Штабел баландлиги 70-80 см, узунлиги ихтиёрий. Кечаси ёки совук кунларда штабеллар плёнка билан беркитилади. Штабелда намлик етишмаса, илдизмевалар сугорилади. Ўстириш илдизчаларнинг узунлиги 4-5 см га етгунча давом

эттирилади. Ўстирилган илдизмевалар эхтиёткорлик билан, илдизларини узилиб кетиш ва куриб қолишидан асралган холда ўтказилади.

17. Оналык илдизмевалар ерга эрта муддатларда ўтказилади. Қатор оралығи 70 см, қатордаги ўсимліктар оралығи 30-35 см. Илдизмевалар тупроқ билан қаттық сиқилади, боши устига 2-3 см қалинликта тупроқ сепилади.

18. Ўсув даври киска бўлган шимолий худудларда сабзи уруғини қуёш нури билан иситилувчи иссиқхоналарда ҳам муваффақият билан етишириш мумкин. Ўтқазиши кучли аёзлар ўтиб кетгач бошланади. Оналыклар қалин, яъни  $25 \times 10$  см оралықда экилади. Иссиқхонани жадал шамоллатиб туреш уруғликларнинг яхши чангланишини таъминлайди. Иссиқхонада ўстириш ўсимлікларнинг ўсиш даврини 30-35 кунга узайтиради.

19. Очик ерда сабзидан юкори уруғ хосили олиш учун уруғликларни парваришилаш бўйича барча ишлар ўз вактида бажарилади – ерни юмшатиш, озиқлантириш, бегона ўтларни йўқотиш, касаллик ва зааркунандаларга қарши курашиш. Қатор оралыкларини юмшатиш барглар ўсиб чиқгач бошланади ва ҳар 10-12 кунда, қаторлар ёпилиб кетгунга кадар дастлаб 5-6 см чукурликда, кейин эса 12-15 см чукурликда амалга оширилади.

20. Уруғ хосилдорлигини ошириш учун сабзи уруғликлари суюқ органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Уруғлик даласида бегона ҳамда касалланган ўтларни йўқотишга айниқса жиддий эътибор берилади.

21. Уруғларнинг туғилишини яхшилаш учун кўшимча чанглантириш кўлланилади. Бунинг учун ўсимліклар ялпи гуллаган вактда эрталаб ва кечқурун курук об-ҳаво шароитларида ўсимліклар енгил силкитиб чиқилади.

22. Шимолий худудларда уруғларнинг пишишини тезлаштириш ва уларнинг экишибоплик сифатларини ошириш учун жуда кеч ҳосил бўлган поялар кесиб ташланади. Соябонлар корая бошлаганд уруғликларни йиғишига киришилади. Соябонлар етилган сари 2-3 марта танлаб узилади ва етилтириш учун яхши шамоллатиладиган курук биноларга олиб кирилади. Уруғликларни жойлаш қалинлиги 20 см дан ортиб кетмаслиги зарур. Куритиш вактида улар ҳар куни ағдариб чиқилади. Яхши куриган соябонларда уруғ осон ажралади.

23. Соябонлар янчилади ва уруғлар ўсимлік қолдикларидан тозалаб олинади. Битта уруғлик ўсимлікдан 30 г гача уруғ олиш мумкин.



Schweizerische Eidgenossenschaft  
Confédération suisse  
Confederazione Svizzera  
Confederaziun svizra  
  
Swiss Agency for Development  
and Cooperation SDC

Ушбу буклет Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларида зарарни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

**Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:**

Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (М.Мирзаев номли БУвАВ ИТИ)

**Манзил:** 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси

**Тел.:** (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82

**Факс:** (+99871) 220-26-48

**Эл. почта:** [mevaiti@qsxv.uz](mailto:mevaiti@qsxv.uz), [meva-uzum@exat.uz](mailto:meva-uzum@exat.uz)

Буриев Х.Ч. – (+99890) 358-38-62,

Абдиқаюмов З.А. – (+99890) 946-15-51

**Тузувчилар:** Буриев Х.Ч., Абдиқаюмов З.А., Турабоев А.Н.  
Проф. Х.Ч.Буриевнинг умумий таҳрири остида

**Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик,  
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот  
институти**

**Томорқа ва фермер хўжаликларида  
сабзининг маҳаллий навлари  
уруғчилиги бўйича тавсиянома**



**Тошкент – 2015**